

**Сарвар ОЧИЛОВ**

Коми-Ненецкий национальный музей  
имени М.А. Сорокина  
и А.А. Балакина  
имени М.А. Сорокина  
и А.А. Балакина  
имени М.А. Сорокина  
и А.А. Балакина

**МУҲАББАТ СОФИНЧИ**

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2006

84(5y)6-5 Узб. б. 24.2425. - Шеърлар

Ёш ҳаваскор Сарвар Очилов ўз шеърларида яхшилик, ишонч ва инсонга хос туйғуларни излаётгандек, идрок этишга интилаётгандек туюлади. Шу сабабли ҳам унинг жавобли ва жавобсиз сўроқлари мисраларда янги майса каби титраб турганини ҳис қиласиз.

10-32351/09,

2008	Alisher Navoiy
9544	nomidagi
A	O'zbekiston Mif

04702620202-29 29-2006  
376(06)2006

С. Очилов, 2006 й

ISBN 5-7323-0511-3

## **ЯККАБОГИМСАН**

Киндик қоним томган азиз тупроқсан,  
Менга илҳом берган буюк диёрсан.  
Қайларга борсам ҳам ёдимда ўзинг,  
Фуруримсан, фахримсан, Яккабогимсан.

Тошларингда жаҳонгирим изин қолдирган,  
Офтобингда аждодларим юзин қолдирган,  
Ғанимларинг қараашга ҳам юрак олдирган,  
Фуруримсан, фахримсан, Яккабогимсан.

Шажара дарахтин бир шохи ўзинг,  
Оқлайман албатта берган нон-тузинг,  
Жаҳон қомусида янграр бир сўзинг,  
Фуруримсан, фахримсан, Яккабогимсан.

Халқинг насибаси тупроқларингда,  
Дунё такрорламас якка бир боғсан.  
Сарвар улғаймоқда сенинг бағрингда,  
Фуруримсан, фахримсан, Яккабогимсан.

## **ТИЛАК**

Чегаранг дахлсиз, мусаффо осмон,  
Интилсанг толе ёр, келдики замон.  
Кўкрагингни кериб энди сур даврон,  
Боқий умр кўргин, хур Ўзбекистон.

Муқанна, сен энди ниқобингни еч,  
Эркига эришди ахир диёринг.  
Сарвар содиқ бўлиб қолар онтида,  
Боқий умр кўрсин шонли Ватанинг.

\* \* \*

Кимнидир худоси ақли бўлса ҳам,  
Кимнидир худоси бойлиги бўлар.  
Менинг ҳам худом бор, ёлғиз Худо бор,  
Бу менинг волидам, соддадил онам.

Баъзида онамга ёқмас иш қилдим,  
Билиб ҳам дилига озор етказдим.  
Кўнглин сўрашга ҳам журъатсиз бўлдим,  
Нетайки, бу менинг қашшоқ бир феълим.

Кўзларига қараб хаёлга толдим,  
Сўзларини тинглаб, ҳайратда қолдим.  
Барчаси ҳақиқат, энди мен билдим,  
Онам сабаб бўлиб дунёни кўрдим.

## ОНА

Онани ўхшатманг ҳеч бир нарсага,  
Эъзоз этинг қўйиб гуллар кафтига.  
Онани бериб қўйиб йиллар ҳукмига,  
Афсус-надоматин чекманг эртага.

Онажон, бу ғамгин кўзларингизни,  
Ўхшатишга арзимас кўкда юлдуз ҳам.  
Сизнинг қошингизда узрини айтиб,  
Ўғлингиз бошини эгади бу дам.

## ҚАДРЛА

Дунёда отанинг қарғиши ёмон,  
Отангни хўрлатма, зорлатма, инсон.  
Сен унинг авлоди - зурриёдисан,  
Шуни унутмасанг бўлмайди ёмон.

Оила қўргони отадир, билсанг,  
Она - ёритувчи машъал, бир безак.  
Уларнинг бағрини ногаён тилсанг,  
Қарғишга учрашинг аёндир бешак.

Хеч ёлғон сўзлама боқиб кўзига,  
Ажинлар тушгандир қара, юзига.  
Ҳаммаси сени деб, сени деб инсон,  
Барчасин ўйлаб кўр, сўнг йўқдир имкон.

## ЯХШИЛАР

Дунёда кўп эрур одатлар,  
Яхшиликка душман абад ёмонлик.  
Ёмоннинг зулмидан чексак озорлар,  
Яхшининг боғидан еймиз мевалар.

Хаётда яхши кўп, ёмон жуда кам.  
Дунёга ҳар доим яхшилар ҳакам.  
Ёмонга йўл бериб эргашсанг унга,  
Кўзинг ёшга тўлар, дилинг доғи ғам.

Ҳар инсон дунёга бир бора келса,  
Демак, ҳар бир кундан кўрайлик маъно.  
Вақт келиб дунёдан кунимиз битса,  
Кўхна бу дунёга қилмайлик даъво.

Инсонсан, дунёда инсондек яша,  
Яхшилар меҳридан бебаҳра қолма.  
Қалбингга қулоқ сол, нима дер, дўстим,  
Дунёга келиб сен беиз йўқолма.

Ғам кўрмасанг дунёда мамнун юрмайсан,  
Дард кўрмасанг дунёда бахтни сезмайсан.  
Яхшиликни билсанг ёлғон дунёда,  
Билгинки, дунёдан беиз кетмайсан.

\*\*\*

Дунё ҳам аслида күхна бир рүё,  
Хар куни ёлғонин этар ошкора.  
Бу дардни биринчи айтмадим асло,  
Үлимдан бошқаси ёлғон, сафсата.

Адолат ахтариб ўтганлар озми,  
Виждонини сотиб, еганлар озми?  
Эй дунё, ёлғондан ахир, мен түйдим,  
Сабримиз дарёси шунча саёзми?

## ИНСОН

Инсонни ҳайвондан фарқли яратмиш,  
Фарқлиги шундаки, онгли яратмиш.  
Тангримга аёнмиш барча қилмишлар,  
Үлим ҳақ, борганда жавоб сўрармиш.

Қусур-у иллатлар йўқ эмас ахир,  
Яна кўпайиши шартми бизларда.  
Ҳақиқат қанчалар бўлмасин тахир,  
Тангрим берган ҳаё қолди қайларда?

Ҳар ким яшайверар ўз билганича,  
У ҳолда эй дўстлар, борамиз қайга?  
Ҳар инсон ҳаётда ўзича тўғри,  
У ҳолда айтинглар, унда ким ўғри?

Қилган гуноҳимииздан бўйин товлаймиз,  
Аслида эй дўстлар, кимни алдаймиз.  
Ҳаммамиз бир бутун онгли инсонмиз,  
Иллатлардан халос бўламиш қачон?

## **МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ**

Ҳар кимнинг биттадан юлдузи бўлса,  
Юлдузи сўнгандагар куни битса,  
Лек танлаш хуқуқи инсонда бўлса,  
Ўша етти юлдузниң бири меники,  
Энг йирик ёрқини танҳо меники.

Айтинг-чи бу дунё кимдан қолмаган,  
Кимлар қилмишига жавоб олмаган.  
Лек ёрқин юлдузлар асло сўнмаган,  
Ўша етти юлдузниң бири меники,  
Энг йирик ёрқини танҳо меники.

## **ЁМФИР СОФИНЧИ**

Ёмғир ёғавергин шивирлаб тинмай,  
Дехқон ҳам уруғни қадасин емай.  
Хосил мўл бўлади баҳорин берса,  
Эй нажот ёмғири, ёғавер тинмай.

Сен ёғсанг, қақраган дилим яйрайди,  
Майса униб ердан, чўллар яшнайди.  
Ўлкамнинг боғида гуллар очилиб,  
Боғдаги булбуллар хушҳол сайрайди.

Ёзниң саратони, кузнинг шамоли,  
Қишининг қаҳратони бездирди бизни.  
Софиниб кутгандек ахир, баҳорим,  
Эй нажот ёмғири, ёғавер тинмай.

Софинтириб қўйдинг баҳор ёмғири,  
Сендадир халқимнинг ризқ-насибаси.  
Шукроналар айтар ҳаёт ёмғири  
Сенга яратганинг ожиз бандаси.

Баҳор ҳам келмайди сен келмасаң гар,  
Ҳар томчинг тириклиқ, тотли шу қадар.  
Сенсиз ўрттар эди дунёни қадар,  
Тин олмай ёғавер баҳор ёмғири.

## ХАЁЛАН

Орзу қилиш осонми, ё хаёл сурмоқ,  
Ҳаётда хаёлдан нима устунроқ?  
Хаёл олиб кетди орзуйим сари,  
Менинг бу орзуим мүлжали күпроқ.

Күр хаёлда күради күзин күришин,  
Шол хаёлда күради чопиб юришин.  
Бахтсиз күрса хаёлда бахтли бўлишин,  
Хаёлдан устунроқ яна нима бор?

Ҳаётда имконсиз нарсалар ҳам бор,  
Ҳаёлан эришсанг бўлар уларга.  
Ҳаёлда уммондек орзуларим бор,  
Ҳаётда эришгум албат уларга.

## МАҒРУР КЕТАМАН

Мен ёмон бўлишни хоҳлаганим йўқ,  
Яхши бўлишни ҳам машқ қилганим йўқ.  
Фақат бир нарсадан доим кўнглим тўқ,  
Мағрур бўлиб келдим, мағрур кетаман.

Ҳаёт аямасдан синов берса ҳам,  
Фаним тегиб ўтиб, дўстим кулса ҳам.  
Барибир бошимни эголмас бу ғам,  
Мағрур бўлиб келдим, мағрур кетаман.

Юракда дардларим бугун қатма-қат,  
Тақдирдан ҳеч қачон кутмайман шафқат.  
Хаётда шиорим - сабр ва тоқат,  
Шундай бўлиб келдим, шундай кетаман.

Севгидан топсам ҳам фақат озорлар,  
У томон бошласа сўлғин хаёллар.  
Барибир туйғумдан устун келаман,  
Мағрур бўлиб келдим, мағрур кетаман.

Майлига ўйлашсин кибрли дея,  
Олдимдан чиқса ҳам тик битта қоя.  
Пиёда мен яёв юриб ўтаман,  
Мағрур бўлиб келдим, мағрур кетаман.

Эгилган бошларни қилич ҳам кесмас,  
Тантилар элининг битта мардиман.  
Тилимдан шу сўзлар бир лаҳза тушмас,  
Орзу қўргонига албат етаман.

## ИТОАТ

Қаерларда қолди бизнинг диёнат,  
Наҳот эзгу ниятлар бўлмас ижобат.  
Ҳар не бўладиган бу кенг дунёда,  
Биздагина қолибди фақат итоат.

Итоат қилмоқлик саодати не,  
Тинч яшамоқликми ё бўйин эгиш.  
Яшашингни асл маъноси ҳам не,  
Наҳот, наҳот фақат нафсинг қондириш?

Инсон яшаш учун бир бора келса,  
Бугун бор, эртага йўқлигин билсин.  
Вақт келиб, дунёда куни гар битса,  
Эзгу аъмол билан кўзини юмсин.

## **АЙБ ҚИДИРМА**

Айбларим қидирдинг боқиб изимга,  
Ёлғонни сўйлайсан қараб кўзимга.  
Барчасин жавоби фақат ўзимда,  
Аввало қидиргин сен ўз айбингни.

Фийбатим қилиб тухматлар қилдинг,  
Менинг рост сўзимни ёлғонга йўйдинг,  
Қарагин, юзимга оёғинг қўйдинг,  
Аввало қидиргин сен ўз айбингни.

Хатоларим барчаси ўзимга аён,  
Йўлдан оздирашибди сени ҳеч шайтон,  
Менинг юрагимда яшайди иймон,  
Қидиргин, излагин сен ўз айбингни.

Кўнглим қораликни ўзига олмас,  
Фасодлар унда ҳеч яшаб қололмас,  
Бепарво туришга сабрим-да қолмас,  
Наҳот, менинг қадрим ерда қолдими?

\*\*\*

Ёмонликдан бутунлай йироқ,  
Бўлар доим сўзлари янгроқ,  
Вужудини босар бир титроқ,  
Шеъриятдан баҳра олган дил.

Яхшиликни тугар дилига,  
Ажиб ҳислар қўнар кўнглига.  
Дармон бўлар кўнгил дардига,  
Шеъриятдан баҳра олган дил.

## **СЕВИБ ҚОЛДИМ**

Севиб қолдим бир қизчани,  
Мисли күкда юлдузчани.  
Хаёлимни олган ўша,  
Қийноқларга солган ўша.  
Салом берар шаддодгина,  
Алик олсам жилмаяди.  
Күзларига бокдим зимдан,  
Севишимни у билади.

## **БИЛАМАН**

Жаҳолат ботқоги тортиб кетса ҳам,  
Бўронлар қаддимни букиб кетса ҳам,  
Фироқдан қалбингиз чекса ҳамки ғам,  
Биламан, барибир мени севасиз.

Севингиз дунёда буюқдан буюқ,  
Муҳаббат боғидан гуллар терасиз.  
Дилингиз мени деб бўлса ҳам қуюқ,  
Биламан, барибир мени севасиз.

Севингиз қадрига мен етолмадим,  
Тоза ишқ бўйини сеза олмадим,  
Энди ёдингиздан ҳеч кетолмадим,  
То абад севгилим, мени севинг сиз.

Сизни кўриб топдим ўзимни ўзим,  
Хисларим ҳайқирап: «Топдим-ей ёрим».  
Беорга йўймангиз ошиқ йигитни,  
Фақат, фақат, фақат мени севинг сиз.

## ҚАНДАЙ ҰНУТАЙ

Күнглимга бўйруғим ўтмади,  
Гул ҳуснинг хаёлдан кетмади.  
Ўзгага кўзим ҳам боқмади,  
Не қилай, унута олмасам сени.

Мени унут дединг, осон шунчалар,  
Сени унумоқлик қийин қанчалар.  
Бу қатъий сўзларинг жоним тилкалар,  
Не қилай, унута олмасам сени.

Юрагим фақат сени деб үрса,  
Нигоҳинг жонимни сұғуриб олса,  
Бу дардим камаймай ҳар нафас ортса,  
Ўзинг айт, қандайин унутай сени.

\*\*\*

Кўзларингдан боқар ажиб бир ҳаё,  
Қалбинг сувдек тоза, тошқин бир дарё.  
Сўзлаган сўзларим эмасдир рўё,  
Маҳбубам, сен фақат мен-чун яралган.

Сени ўйламайман бир бевафо деб,  
Муҳаббат - шунчаки кайфу-сафо деб.  
Яшайман мен фақат, фақат сени деб,  
Маҳбубам, сен фақат мен-чун яралган.

## **СОФИНЧ**

Софинч әзғилайди бу күн қалбимни,  
Миллар имиллайди худди асрдек.  
Гаровга тикканман үзим жонимни,  
Жангда мағлуб бўлган асирдек.

Софиниб чарчашдан жуда қўрқсам ҳам,  
Бир кулиб боқишинг менга кифоя.  
Хижронда қолишдан жуда қўрқсам ҳам,  
Севдим деган сўзинг менга кифоя.

Кўнгил бериш балки эмас абадий,  
Чунки висол онин ҳижрони ҳам бор.  
Сенга кўнгил қўйишим тақдир, азалий,  
Чунки менга аталган танҳо сенсан, ёр.

Бу гўдак қалбимни босса ҳам ғусса,  
Бир табассум айлашинг үзи кифоя.  
Бу мағрур бошимни софинч гар эгса,  
Келдим деган розинг үзи кифоя.

## ТҮРТЛИКЛАР

Елкамда турибди шайтон ва раҳмон,  
Қай бирининг сўзига қулоқ солайин.  
Қай бири дўсту, қай бири душман,  
Сўзласин, қилмишин англаб олайин.

\*\*\*

Шунчаки яшасам, шунчаки кулсам,  
Шунчаки ҳаётдан хуш-мамнун юрсам.  
Демак, бу дунёда ёлғон борлигим,  
Демак, мен умримга хиёнат қилдим.

\*\*\*

Фиғоним фалакка етган кундир бу,  
Тақдирим қўлимга кишанин солди.  
Армоним ижобат бўлган кундир бу,  
Оллоҳим кўнглимга бир дардни солди.

\*\*\*

Қалбимда ҳисларим алдаса,  
Юрагим сени деб урмаса.  
Севгига хиёнат қилган куним бу,  
Ишонгин, ишқингда ўлган куним бу.

\*\*\*

Қалбим пора, дилим пора,  
Мени тушунсанг-чи зора.  
Сени севдим, фақат сени,  
Қийнаб қўйдинг жоним, мени.

## **МУНДАРИЖА**

Яккабоғимсан.....	3
Тилак.....	3
«Кимнингдир худоси...».....	4
Она.....	4
Қадрла.....	4
Яхшилар.....	5
«Дунё ҳам аслида...».....	6
Инсон.....	6
Менинг юлдузим.....	7
Ёмғир соғинчи.....	7
Хаёлан.....	8
Мағрур кетаман.....	8
Итоат.....	9
Айб қидирма.....	10
«Ёмонликдан бутунлай...».....	10
Севиб қолдим.....	11
Биламан.....	11
Қандоқ унитай.....	12
«Кўзларингдан боқар...».....	12
Софинч.....	13
Тўртликлар.....	14

**АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР**

**ОЧИЛОВ САРВАР**

**МУҲАББАТ СОҒИНЧИ**

**Шеърлар**

Муҳаррир: З.Омонова.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусахҳих: З.Очилова.

Бадиий безакчи: Ж.Норқобилов.

**ИБ1030**

Теришга 15.06.2006 йилда берилди. Босишга 21.06.2006 йилда рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . Шартли босма тобоги 0,84. Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма тобоги 0,56. 39-2006-шартнома.223-буюртма. 250 нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-йй.